

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**МИРЗАЕВА ФЕРУЗАХОН АҲМАДЖОН ҚИЗИ**

**АҲМАД СИРҲИНДИЙ “МАКТУБОТ” АСАРИНИНГ НАҚШБАНДИЯ-  
МУЖАДДИДИЯ ТАРИҚАТИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ**

**24.00.01 – Ислон тарихи ва манбашунослиги**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Historical sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по историческим  
наукам**

**Мирзаева Ферузахон Аҳмаджон қизи**

Аҳмад Сирҳиндий “Мактубот” асарининг нақшбандия-мужаддиия тариқати

шаклланишидаги аҳамияти ..... 3

**Mirzaeva Feruzakhon Ahmadjon qizi**

The importance Ahmad Sirhindi’s “Maktubat” on the formation of Naqshbandi-Mujaddidi

order .....23

**Мирзаева Ферузахон Аҳмаджон қизи**

Значение произведения “Мактубот” Ахмада Сирхинди в формировании тариката

Накшбандия-муджаддиия .....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works

Список опубликованных работ.....45

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**МИРЗАЕВА ФЕРУЗАХОН АҲМАДЖОН ҚИЗИ**

**АҲМАД СИРҲИНДИЙ “МАКТУБОТ” АСАРИНИНГ НАҚШБАНДИЯ-  
МУЖАДДИДИЯ ТАРИҚАТИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ**

**24.00.01. – Ислом тарихи ва манбашунослиги**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Isl17 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.iiaw.uz](http://www.iiaw.uz)) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Усмонов Иброҳим Собирович**

тарих фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Мадаева Шаҳноза Омонуллаевна**

фалсафа фанлари доктори, профессор

**Амонов Меҳрожиддин Узбекович**

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» сентябрь соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244-00-56), Факс: (99871) 244-00-65, e-mail: [info@iiaw.uz](mailto:info@iiaw.uz). Ўзбекистон халқаро ислом академияси).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (93-рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 244-00-56; факс: (99871) 244-00-65; e-mail: [info@iiaw.uz](mailto:info@iiaw.uz))

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» августда тарқатилди.  
(2022 йил 06 августдаги 6-рақамли реестр баённомаси.)

**Д.Р.Махсудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори (DSc), доцент

**С.А.Рустамий**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

**З.М.Исломов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда кенг тарқалган нақшбандия тариқатининг нақшбандия-мужаддиция тармоғи шаклланишида Аҳмад Сирҳиндийнинг тариқатни янгилаш ва уни асл ҳолига қайтаришга доир қарашлари асос бўлган. Алломанинг 535 та мактубдан иборат “ал-Мактубот” (المكتوبات) асарида келтирилган ақида (العقيدة), тасаввуф (التصوف), фикҳ (الفقه) ва рухий тарбия билан боғлиқ мактублари тариқат ривожига, унинг янгилинишида муҳим ўрин тутди. Бинобарин, юртимиз маданияти, илмий-маънавий мероси, унинг диний анъаналарини ўзида мужассам этган нақшбандия тариқатини мазмунан бойитиб, унинг жаҳонда янада кенг ёйилишида мужаддициянинг ўрни беқиёс бўлган. Шу билан бирга, Аҳмад Сирҳиндийнинг “Мактубот” асари замонавий тариқатчилик келтириб чиқараётган турли ихтилофли масалаларга жавоб бера олиши билан бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга эга.

Дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказларида нақшбандия-мужаддиция тариқатининг пайдо бўлиши, унинг тарихи, ривожланиш босқичларини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Нақшбандия-мужаддиция йўналишидаги ирфоний қарашларнинг тасаввуфий тамойиллари ҳамда унда илгари сурилган илм, ҳикмат ва маърифатга ундовчи комиллик мезонлари, ушбу тариқат таълимотида илгари сурилган диний бағрикенглик, янгилиниш, адолат, жисмоний ва рухий-маънавий уйғунлиги ўрганилмоқда. Шунингдек, мужаддиция асосчиси Аҳмад Сирҳиндийнинг илмий меросини тадқиқ этиш, унда келтирилган ҳадисларни таҳлил қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонда нақшбандия тариқати асосчиларининг фаолияти, илмий-маънавий меросини ўрганиш билан боғлиқ қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Бухоро шаҳридаги Мир Араб олий мадрасаси ҳузурида “Тасаввуф мактаби”нинг ташкил этилиши, етти пир қадамжоларини янада обод қилишга қаратилган улкан бунёдкорлик ишларининг олиб борилиши, алломалар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Етти пир”, “Орифнома”, “Рисолайи Ҳазрати Азизон”, “Васиятнома”, “Хожа Абдуҳолик Гиждувоний” каби китобларнинг нашр этилиши бунинг яққол исботидир. Шундай экан, нақшбандия тариқати давомчиси ҳисобланган Аҳмад Сирҳиндийнинг ҳаёти, “Мактубот” асарининг нақшбандия-мужаддиция шаклланишидаги ролини тадқиқ этиш долзарб саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2022 йил 10 февралги ПҚ-126-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 февралдаги 100-сон “Ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда соҳага оид

бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўрта асрлар тасаввуф тарихи, тасаввуф таълимотининг Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаётида тутган ўрни, нақшбандия-муҷаддия тариқатининг шаклланиш жараёнларини ўрганиш юзасидан Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан эътиборга молик тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, Александр Кныш, Джон Спенсер Тримингэм, Анне-Мари Шиммель каби машҳур Ғарб исломшунос-тасаввуфшунослар асарларида Аҳмад Сирҳиндийнинг ҳаёти ва фаолияти, ваҳдату-ш-шуҳуд таълимоти юзага келишининг тарихий шарт-шароитлари бўйича муҳим маълумотлар келтирилган. Нақшбандия-муҷаддия тариқатининг келиб чиқиши, тарихи, назарияси ва расм-русумлари ҳақида Ҳамид Алгар, Артур Бюхлер, Фритц Майер, XVIII аср охири-XIX аср бошларида нақшбандия-муҷаддиянинг Марказий Осиёдаги тарихи, муҷаддий шайхларнинг таълим соҳасида олиб борган фаолияти Анке фон Кюгельген каби тадқиқотчилар томонидан ёритиб берилган<sup>1</sup>.

Турк олимларидан Неждат Тосуннинг илмий ишларида Марказий Осиёда нақшбандия-муҷаддия тариқатининг тарқалиш хусусиятлари, Аҳмад Сирҳиндий ҳаёти, асарлари, тасаввуфий қарашлари, Аҳмет Ҳаксевер изланишларида Сирҳиндий мактублари орқали суфийларнинг айрим ғоя ва амалиётларини танқид қилгани таҳлил этилган. Этҳем Жебежиўгли, Абдуллоҳ Ўрхан тадқиқотларида Аҳмад Сирҳиндий ва унинг мактублари, “Мактубот” асарида келтирилган ҳадислар таҳлиллари баён этилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. – Москва: ДИЛЯ, 2004. – 464 с.; Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в Исламе / Пер. с англ. А.А.Ставиской, под ред. и с предис. О.Ф. Акимушкина. – Москва: Наука, 1989. – 326 с.; Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – Москва: Алетея, Энигма, 2000. – С. 194-201; Algar H. A Brief History of Naqshbandiyya order // In: M. Gaborieau, A. Popovich, T. Zarccone (eds.), Naqshbandis-Cheminement et situation actuelle d'un ordre mystique musulman. – Istanbul-Paris: Hayat, 1990. – P. 3-44; Bühler A.F. Sufi Heirs of the Prophet: The Indian Naqshbandiyya and the rise of the mediating Sufi shaykh. – Columbia: Columbia press, 1998; Фритц Майер. Учитель и ученик в ордена Накшбандийа [пер. с нем: Ю. Котковой] // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования): Сб. ст. памяти Фрица Майера (1912–1998) / сост. и отв. ред. А.А. Хисматуллин. – СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2001. – С. 94 – 113; Анке Фон Кюгельген. Расцвет Накшбандийа-Муджаддийа в Средней Трансоксании с XVIII – до начала XIX вв.: опыт детективного расследования [пер. с нем. яз.: Скородума] // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования): Сб. ст. памяти Фрица Майера (1912–1998) / сост. и отв. ред. А.А. Хисматуллин. – СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2001. – С. 275-330.

<sup>2</sup> Tosun N. Türkistan dervişlerinden yadigar. Orta Asya Türkçesiyle Yazılmış Tasavvufi Eserler. – Istanbul. İnsan yayınları, 2011. – 198 s; ўша муаллиф. Imam-ı Rabbani Ahmed Sirhindi: Hayatı Eserleri Tasavvufi Görüşleri. – Istanbul: İnsan yayınları, 2005. – 174 s; Ahmet Cahid Haksever. The Introspective Criticism in Maktubat of Imam Rabbani Ahmad Faroq Al-Sarhandi. // Hitit Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergi. – Istanbul, 2014. – S. 197-205; Cebecioğlu E. İmâm-ı Rabbani ve Mektubâtı. Ankara Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi, 1996, cilt: XXXV, – S. 193-241; Orhan A. Imam-I Rabbani'nin Mektubat'ındaki hadislerin tahrir ve degerlendirilmesi. –

Ҳиндистонлик Муҳаммад Абдулҳақ Ансорий, Абул Ҳасан Али Ҳасаний Надавӣ ҳамда покистонлик Муҳаммад Иқбол каби олимлар томонидан Аҳмад Сирҳиндийнинг илм таҳсили, тасаввуфий қарашлари, ислохотлари таҳлил қилинган. Шунингдек, исломшунос, ҳуқуқшунос олим Маҳмуд Аҳмад Ғозий томонидан нақшбандия-муҷаддида тарикати фаолияти, Аҳмад Сирҳиндийнинг янгилашиш ҳаракати тадқиқ этилган<sup>3</sup>.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ: Н.Комилов, И.Ҳаққул, Г.Наврӯзова, Б.Бабаджанов, А.Жуманазаров, Э.Каримов, Ҳ.Юлдашходжаев, А.Жўзжоний, М.Маматов, И.Остонақулов, Ғ.Раззоқов, Қ.Рўзматзода, Ж.Холмўминов, Ҳ.Ҳомидий, И.Усманов, К.Раҳимов, М.Амонов каби олимлар томонидан тасаввуф алломалари, тарикатлар тарихи, ривожланиши, тасаввуфнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни юзасидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилган бўлишига қарамай, Аҳмад Сирҳиндий “Мактубот” асарининг нақшбандия-муҷаддида тарикати шаклланишидаги аҳамияти, хусусан, асардаги ғояларнинг Марказий Осиё тарикатларига таъсири масаласи чуқур тадқиқот жараёнига тортилмаган<sup>4</sup>. Бу

---

Istanbul: Nisan, 2018. – 241 s.

<sup>3</sup> Муҳаммад Абдулҳақ Ансорий. *Sufism and Shariah: A Study of Shaykh Ahmad Sirhindi's Effort to Reform Sufism*. – Leicester, U.K. The Islamic Foundation, 1986. – 368 p; Абул Ҳасан Али ал-Ҳасаний ан-Надавӣ. *Ал-Имам ас-Сирҳиндий ҳаятуху ва аъмалуху*. – Кувайт: Дорул қалам, 1993. – 121 б.; Муҳаммад Иқбол. *The Reconstruction of Religious Thought in Islam*. – California. Stanford University Press, 2013. – 328 p.; Маҳмуд Аҳмад Ғозий. *Тарих ал-ҳаракат ал-муҷаддида*. – Байрут: Дорул кутуб ал-илмийя, 2009. – 448 б.

<sup>4</sup> Комилов Н. *Нажмиддин Кубро*. – Тошкент: Абдулла Қодирӣ номидаги халқ мероси, 1995; ўша муаллиф. *Тасаввуф*. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996; ўша муаллиф. *Тасаввуф*. Иккинчи китоб. *Тавҳид асрори*. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1999; ўша муаллиф. *Маънавий камолот илми*. // ТИУ ахборот илмий таҳлилий бюллетени. – Тошкент: 2003. – № 2; Ҳаққулов И. *Тасаввуф ва шеърият*. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1991; ўша муаллиф. *Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва таракқиёти*: филол. фан. док. дис. ... автореф. – Тошкент: 1995; ўша муаллиф. *Ирфон ва идрок*. – Тошкент: Маънавият, 1998; ўша муаллиф. *Навойига қайтиш*. – Тошкент: Фан, 2007; Наврӯзова Г. *Баҳоуддин Нақшбанднинг билишга оид қарашлари*. – Бухоро, 1997; ўша муаллиф. *Тасаввуфда валий тушунчаси*. // *Сирли олам*. – Тошкент: 1993. – № 7. – Б. 20-22; ўша муаллиф. *Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси*. – Тошкент: Фан, 2005. – 268 б.; Бабаджанов Б. *Мусахан Хваджайи Дахбиди* // *Ислам. Энциклопедический словарь*. – Москва: Восточная литература, 1998; ўша муаллиф. *Джуйбари* // *Ислам. Энциклопедический словарь*. – Москва: Восточная литература, 2001; ўша муаллиф. *On the History of the Naqshbandiya-Mujaddidiya in Central Mavara'annahr in the Late 18th and Early 19th Centuries // Muslim Culture in Russia and Central Asia from 18th – to the early 20th Centuries*. – Berlin, 1996; Жуманазаров А. *Хилват аҳли*. – Тошкент: ТДПУ, 2004. – 151 б.; Жўзжоний А.Ш. *Тасаввуф ва инсон*. – Тошкент: Адолат, 2001. – 192 б.; ўша муаллиф. *Тасаввуф сирру-асрори* // *Мулоқот*. – Тошкент: 1998. – № 8. – Б. 32-35; ўша муаллиф. *Тасаввуф таълимотида комил инсон сиймоси*. // ТИУ ахборот илмий таҳлилий бюллетени, 2003. – № 2; Каримов Э. *Суфийский тарикаты в Центральной Азии XII – XV в: Автореф. дис. ... докт. ист. наук*. – Тошкент: 1998. – 60 с.; Юлдашходжаев Х. *Мусохон Дахбидийнинг нақшбандийа-муҷаддида тарикати ривожиди тутган ўрни (XVIII аср)*: Тар. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎЗР ФА ШИ, 2008. – 26 б.; Маматов М. *Тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳияти*. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2018. – 200 б.; Остонақулов И. *Авлиёлар султони. Туронлик валийлар*. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2004; ўша муаллиф. *Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ва унинг “Тазкират ул-авлиёи туркий” асари*. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007; Ҳожи Абдулғафур Раззоқ Бухорий. *Тарикатга йўлланма (Нақшбандия таълимоти асосида)*. – Тошкент: Мовароуннахр, 2003. – 103 б.; Рўзматзода Қ. *Имом Раббоний авлодлари*. – Тошкент: Наврӯз, 2014. – 188 б.; Холмўминов Ж. *Нақшбандия пири* // *Тафаккур*. – Тошкент: 2001. – № 4; ўша муаллиф. *Тавҳидий тафаккур куйчиси: Вужуд куёшнинг шуъласи* // *Сино (Техрон)*, 2002. – № 8; ўша муаллиф. *Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг тасаввуфий ирфоний қарашлари (“Шарҳи рубоӣёт” асари асосида)*: фал. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: 2003; ўша муаллиф. *Юнон фалсафаси ва тасаввуф* // *Сино (Техрон)*, 2004. – № 13. – Б. 11-18; Ҳомидий Ҳ. *Тасаввуф алломалари*. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 208 б.; Усманов И. *Наводир ал-усул ҳикматлари*. – Тошкент: Фан, 2009. – 175 б.; ўша муаллиф. *Тасаввуф тарикатлари*. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2017. – 280 б.; ўша муаллиф. *Суфизм. Учебное пособие / Составитель Усмонов И.С.* – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2011. –

борада амалга оширилиши лозим тадқиқотлар майдони ҳам анча қамровли бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари ва тарихи бўйича комплекс тадқиқот олиб бориш ушбу соҳадаги ишлар самарасини янада бойитади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида 2014-2016 йилларда бажарилган А-1-044 – “Мовароуннаҳр тасаввуф таълимотлари: аслият ва талқинлар, тарих ва ҳозирги замон, таҳлил ва хулосалар” мавзуидаги илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Аҳмад Сирҳиндий “Мактубот” асарининг нақшбандия-муҷаддиция тариқати шаклланишидаги ролини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

XVI-XVII асрларда нақшбандия-муҷаддиция тариқати шаклланишининг назарий асослари ва тарихий хусусиятларини аниқлаш;

Аҳмад Сирҳиндийнинг тариқат ривожидagi ўрнини кўрсатиб бериш;  
асар қўлёзма нусхаларининг кодикологик тадқиқини амалга ошириш;

“Мактубот” асарининг таркибий тузилишини аниқлаш;

Аҳмад Сирҳиндийнинг марказий осиелик тасаввуф шайхларига йўллаган мактублари хусусиятларини ёритиб бериш;

“Мактубот” асарининг нақшбандия-муҷаддиция тариқатининг назарий асосларини шаклланишидаги аҳамиятини илмий асослаб бериш;

асарда келтирилган тариқат амалиётига доир масалаларни тадқиқ этиш;

замонавий тариқатчиликдаги ижтимоий муаммолар ечимида “Мактубот” асаридан фойдаланиш заруратини очиб бериш ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Аҳмад Сирҳиндийнинг “Мактубот” асари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** Аҳмад Сирҳиндий тасаввуфий қарашларининг нақшбандия-муҷаддиция тармоғи шаклланишидаги ўрни ва аҳамияти ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда комплекс ёндашув, тарихийлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил ва статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XVII асрларда Марказий Осиеда руҳий тарбия (التربية الروحية), пир ва мурид (المرشد والمريد), зикр (الذكر) каби масалалар нотўғри талқин этила бошлагани сабабли уларни тартибга солиш мақсадида Аҳмад Сирҳиндийнинг “Мактубот” асарида жамланган 535 та мактубидан 149 таси минтақанинг Бадахшон, Балх, Бухоро, Хоразм, Кобул, Самарқанд ҳудудларига юборилгани аниқланган;

---

200 с.; Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: Академнашр, 2020. – 400 б.; Амонов М. XVIII-XIX асрларда Марказий Осиеда нақшбандия-муҷаддиция тариқати: Тар. фан. фал. докт. (PhD) ... дис. автореф. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 2021. – 45 б.



“Мактубот” асаридаги 22 та мактубда нақшбандия тариқатининг жаҳонда кенг тарқалишига асосий сабаб ушбу тариқатнинг бирор-бир ҳудудга хосланмагани, шариат талабларига (المتطلبات الشرعية) ҳамоҳанг эканлиги, ижтимоий ҳаётдаги масалаларга жавоб бера олиш хусусиятига эга эканлиги исботланган;

Аҳмад Сирҳиндий нақшбандиядаги ўзгаришларни тафтиш қилиши натижасида суфийларнинг каромат (الكرامة – Аллоҳдан валийларга берилган гайриоддий фазилатлар)га ортиқча берилиши – ғулувга, маломат (الملامة – ўз нафсини айблаш)да ҳаддан ошиши – нафс айблари билан овора бўлиб, умрни зое қилишга, шатаҳот (الشطحات – маънавий сархушлик ҳолатида беҳосдан айтиб юборилган сўзлар) динда фитна чиқаришга сабаб бўлишини асослаб, тариқатда янгиланишни амалга оширгани очиб берилган;

XIV-XVI асрлардаги ваҳдату-л-вужуд (وحدة الوجود – Илоҳ ва олам вужудини бир борликда кўриш) назариясига муқобил Аҳмад Сирҳиндийнинг ваҳдату-ш-шуҳуд (وحدة الشهود – борликда Яратувчининг ягоналигини кўриш) таълимоти ислом оламида кенг тарқалиб бораётган Яратувчи ва яралмишнинг бирлиги борасидаги қарашларнинг ислоҳ қилинишига сабаб бўлгани далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Аҳмад Сирҳиндий нақшбандиянинг асосий янгиланиш тамойилларини белгилаб бергани, таълим соҳасида катта бурилиш ясагани аниқланиб, алломанинг диний-тасаввуфий қарашларини ўзида ифода этган 8 та асарининг умумий тавсифи ёритилган;

“Мактубот” асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган 48 та қўлёзма, 5 та тошбосма нусхаси, шунингдек, Туркия, Эрон, Покистондаги қўлёзма фондларида сақланаётган нусхалари аниқланган;

“Мактубот” асарида келтирилган мактублар тематик йўналишлар бўйича таҳлил қилиниб, уларнинг ақидавий-фикҳий, тасаввуфий қарашлар, нақшбандия тариқатининг фазли, маънавий-ахлоқий масалалар кесимида салмоғи далилланган;

муаллифнинг асар мавзуларини баён қилишда қўллаган услублари таҳлил қилиниб, аллома мактубларда шариатга зид бўлган айрим тасаввуфий тушунчаларни мужаддидларга хос услуб билан танқид остига олгани, ислом динига нисбатан салбий фикр уйғонишига сабабчи бўлаётган “олимлар”дан оммани эҳтиёт бўлишга чақиргани, мазҳабсизликни танқид қилгани очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Аҳмад Сирҳиндий “Мактубот” асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар бўлимининг асосий фондида №5858, №482 рақамлари остида сақланаётган қўлёзма нусхалари, №5209 инвентарь рақами остида сақланаётган тошбосма

нусхаси, араб тилидаги замонавий нашрига<sup>5</sup> таянилгани, далиллар билан асослангани ҳамда замонавий қиёсий-тарихий усуллардан фойдаланилгани, тадқиқотнинг хулоса ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани, тадқиқот натижаларининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти диссертацияда баён этилган Аҳмад Сирҳиндийнинг тасаввуф таълимотидаги ўрни ҳамда “Мактубот” асарининг нақшбандия-мужаддиция тариқатининг шаклланишида муҳим манба эканлиги борасидаги илмий-назарий хулосалар соҳага оид келгуси илмий тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олий ўқув юртларида “Тасаввуф”, “Тасаввуф тариқатлари”, “Диншунослик”, “Исломшунослик”, “Ислом ва ҳозирги замон”, “Ислом тарихи”, “Маданиятшунослик”, “Ўзбекистон тарихи”, “Манбашунослик” ва “Тарихшунослик” каби фанлардан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, маъруза ва семинар машғулоти мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Аҳмад Сирҳиндий “Мактубот” асарининг нақшбандия-мужаддиция тариқати шаклланишидаги аҳамияти бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

XVII асрларда Марказий Осиёда руҳий тарбия (التربية الروحية), пир ва мурид (المريد والمرشد), зикр (الذكر) каби масалалар нотўғри талқин этила бошлагани сабабли уларни тартибга солиш мақсадида Аҳмад Сирҳиндийнинг “Мактубот” асарида жамланган 535 та мактубидан 149 таси минтақанинг Бадахшон, Балх, Бухоро, Хоразм, Кобул, Самарқанд ҳудудларига юборилгани аниқлангани хусусидаги илмий хулосалардан буюртма асосида тайёрланган “Тасаввуфга кириш” ўқув қўлланмаси, “Тасаввуф атамалари” изоҳли луғатини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 12 январдаги 02-03/146-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур маълумотлар ўқувчи ва талабаларда нақшбандия-мужаддиция тариқати амалиётга оид тушунча ва тасаввурларнинг шаклланишига хизмат қилган;

“Мактубот” асаридаги 22 та мактубда нақшбандия тариқатининг жаҳонда кенг тарқалишига асосий сабаб ушбу тариқатнинг бирор-бир ҳудудга хосланмагани, шариат талабларига (المتطلبات الشرعية) ҳамоҳанг эканлиги, ижтимоий ҳаётдаги масалаларга жавоб бера олиш хусусиятига эга эканлиги исботлангани тўғрисидаги илмий хулосалардан Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот маркази томонидан буюртма асосида нашр этилган Сўфи Аллоҳёрнинг “Саботу-л-ожизийн” асари таржимасини тайёрлаш ва мазмунини тўлдиришда фойдаланилган (Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2022 йил 01 июндаги 01-07/86-сон маълумотномаси).

---

<sup>5</sup> Аҳмад ал-Форуқий ас-Сирҳиндий. Мактуботи Имом Раббоний // Раҳми Тура нашрга тайёрлаган. Т. 1. – Истанбул: Ясин Яйиневи, 2006. – 396 с; ўша муаллиф. Мактуботи Имом Раббоний // Раҳми Тура нашрга тайёрлаган. 2-3 томлар. – Истанбул: Ясин Яйиневи, 2006. 2006. – 404 б.

Натижада, аҳолининг нақшбандия таълимоти борасидаги билимларининг янада бойишига ҳисса кўшилган;

Аҳмад Сирҳиндий нақшбандиядаги ўзгаришларни тафтиш қилиши натижасида суфийларнинг каромат (الكرامة – Аллоҳдан валийларга бериладиган ғайриоддий фазилатлар)га ортиқча берилиши – ғулувга, маломат (الملامة – ўз нафсини айблаш)да ҳаддан ошиши – нафс айблари билан овора бўлиб, умрни зое қилишга, шатаҳот (الشطحات – маънавий сархушлик ҳолатида беҳосдан айтиб юбориладиган сўзлар) динда фитна чиқаришга сабаб бўлишини асослаб, тариқатда янгилинишни амалга оширгани очиб берилгани тўғрисидаги илмий хулосалардан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази буюртмаси асосида тайёрланган “Ўрта аср Шарқ алломалари” энциклопедиясини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2022 йил 15 апрелдаги 02/185-сон маълумотномаси). Натижада, тариқат амалиётига доир масалалар моҳияти кенгроқ очиб берилиб, нотўғри талқин этувчи тоифаларга раддия беришда асосли манба бўлиб хизмат қилган;

XIV-XVI асрлардаги ваҳдату-л-вужуд (وحدة الوجود – Илоҳ ва олам вужудини бир борлиқда кўриш) назариясига муқобил Аҳмад Сирҳиндийнинг ваҳдату-ш-шуҳуд (وحدة الشهود – борлиқда Яратувчининг ягоналигини кўриш) таълимоти ислом оламида кенг тарқалиб бораётган Яратувчи ва яралмишнинг бирлиги борасидаги қарашларнинг ислоҳ қилинишига сабаб бўлгани далиллангани ҳақидаги илмий янгиликлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Тақдимот” тизимли кўрсатувлари сценарийларини шакллантиришда фойдаланилган (“O‘zbekiston” телерадиоканалининг 2021 йил 6 июлдаги 02-40/1137-сон маълумотномаси). Натижада, “ваҳдату-л-вужуд” ҳамда “ваҳдату-ш-шуҳуд” тушунчаларининг моҳияти ҳақида кенг билимлар шаклланиши ва ошишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари жами 8 та, жумладан, 5 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, ундан 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациясининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат, тадқиқот умумий ҳажми 154 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Нақшбандия-мужаддия тариқати тарихини ўрганишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобда XVI-XVII асрларда нақшбандия-мужаддия тариқати ривожини тадқиқ этишнинг назарий асослари, нақшбандия-мужаддия тариқати шаклланишининг тарихий хусусиятлари, Аҳмад Сирҳиндий илмий фаолияти ёритиб берилган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфи *“XVI-XVII асрларда нақшбандия-мужаддия тариқати ривожини тадқиқ этишнинг назарий асослари”* деб номланиб, унда ушбу тариқатнинг келиб чиқиши, тарихи, назарияси ва амалиёти, Марказий Осиёда тарқалиш жараёни ёритилган тадқиқотлар таҳлил қилинган.

Ушбу параграфда **“Нақшбандия-мужаддия”** тариқатининг генезиси, шаклланиши, тараққиёти ҳамда тариқат назарийётчиси Аҳмад Сирҳиндийнинг **“Мактубот”** асари хусусида олиб борилган махсус тадқиқотлар таҳлил этилган. Сирҳиндий таълимотининг ёйилишида унинг шогирдлари ҳам катта ҳисса қўшганлар. Хусусан, алломанинг шогирдларидан бири шайх Муҳаммад Ҳошим Кишмийнинг **“Баракот”** (**“Зубдату-л-мақомот”**) номли китобида Аҳмад Сирҳиндийнинг таржимаи ҳоли, насл-насаби, фикҳ, тафсир, ҳадис илмларига алоҳида аҳамият бергани, зоҳирий илмларни эгаллашда улкан ютуқларга эришгани, устози Боқибиллоҳ билан учрашуви, халифалари, шогирдлари, тариқатдаги фаолияти, ислом динининг асоси ва тамойиллари ҳамда тасаввуф таълимотига оид масалаларда ёзган мактублари, ижтимоий-сиёсий жараёнлар таҳлил этилган<sup>6</sup>.

Ҳиндистон ва Покистон олимлари, асосан, Сирҳиндийнинг сиёсий ва ижтимоий фаолиятига кўпроқ эътибор қаратганлар. Ҳиндистоннинг етакчи олимларидан Абул Ҳасан Али Ҳасаний Надавий, Муҳаммад Иқбол, Муҳаммад Абдулҳақ Ансорий, покистонлик машҳур олим Маҳмуд Аҳмад Ғозий изланишларида алломанинг ҳаёти ва фаолияти, у яшаган мўғуллар давридаги исломнинг ҳолати, диний-тасаввуфий масалалардаги қарашлари, ислохотлари тарихий-таҳлилий ёндашув асосида тадқиқ этилган.

<sup>6</sup> Қаранг: Муҳаммад Ҳошим Кишмий. Баракот (Зубдату-л-мақомот). – Истанбул: Ҳакикат Китабеви, 2011. – 416 б.

Туркиялик тасаввуфшунос Аҳмет Ҳаксевернинг илмий тадқиқотида Аҳмад Сирҳиндий ўз мактублари орқали кенг географик ҳудудда шогирдлар тарбиялагани, тариқатни танқидий нигоҳ билан тафтиш қилиб, ёт иллатлардан ислоҳ қилиши ва янгилаши туфайли нақшбандия тарихида энг муҳим шахсиятлардан бири бўлгани баён этилган<sup>7</sup>.

Анке фон Кюгельген томонидан XVIII аср охири – XIX аср бошларида нақшбандия-муҷаддия шайхларининг ҳаёти ва фаолияти, муҷаддия шайхлари таълим тизими, уларнинг мадраса таълими Марказий Осиёда кенг кўламда маърифат тарқатилишига замин яратгани, муҷаддиянинг Марказий Осиёда тарқалиш жараёни турли маҳаллий марказларнинг фаолияти туфайли амалга оширилгани тарихий-қиёсий, тарихий-тизимли методлардан фойдаланган ҳолда ўрганилган<sup>8</sup>. Диссертацияда нақшбандия-муҷаддия тариқати ривожини тадқиқ этишнинг назарий асосларини ёритишда таниқли маҳаллий олимлардан: Б.Бобожонов, Ҳ.Юлдашжоджаев, А.Жуманазаров, М.Амонов тадқиқотларида келтирилган тарихий-қиёсий, тарихий-тизимли, тарихий даврлаштириш каби методлар ва назарий хулосалардан фойдаланилган.

Бобнинг *“Нақшбандия-муҷаддия тариқати шаклланишининг тарихий хусусиятлари”* деб номланган иккинчи параграфида XVI аср охири – XVII аср бошлари нақшбандия тариқати тараққиётининг янги юксалиш даври ўлароқ, бу даврда тариқатнинг нақшбандия-муҷаддия шаҳобчаси юзага келгани, мазкур жараёнда тариқатнинг назариётчиларидан бири, олтин силсилада номи зикр қилинган, XVI аср охири – XVII аср бошларида Ҳинд диёрининг Сирҳинд шаҳрида яшаб ўтган Аҳмад Сирҳиндий Форуқий Раббоний (1564-1624)нинг ўзига хос ўрни тадқиқ этилган.

Аҳмад Сирҳиндий “Имом Раббоний”, “Муҷаддиди алфи соний” каби шарафли номлар билан ҳам шуҳрат қозонган<sup>9</sup>. Аҳмад Сирҳиндийни илк бор “Муҷаддиди алфи соний”, яъни “иккинчи минг йилликнинг муҷаддиди”, деб Ҳиндистоннинг буюк олимларидан Абдулҳаким Сиёлкутий (ваф. 1656 й.) эътироф этган ва шахсиятини ҳурмат билан улуғлаган. Нақшбандия тариқатининг “муҷаддия” деб аталишига ҳам Аҳмад Сирҳиндийнинг мазкур унвони сабаб бўлган.

Диссертацияда нақшбандия-муҷаддия тариқати тарихининг такомил босқичлари тадқиқ этилган. Нақшбандия-муҷаддия тариқати тасаввуфда илгари амалда бўлган қоидаларни бир қадар юмшатган, мўътадиллаштирган ва кундалик турмушга мослаштирган. Бу эса, нақшбандия-муҷаддиянинг аҳоли қатламлари ичига янада кенг кириб боришини таъминлаган ва Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий,

<sup>7</sup> Қаранг: Ahmet Cahid Haksever. The Introspective Criticism in Maktubat of Imam Rabbani Ahmad Faruq Al-Sarhandi // Hitit Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergi. – Istanbul, 2014. – S. 197-205.

<sup>8</sup> Қаранг: Anke von Kügelgen. Die Entfaltung der Naqšbandiyya Muğaddidiyya im Mittleren Transoxanien vom 18. bis zum Beginn des 19. Jahrhunderts: Ein Stück Detektivarbeit // Muslim Culture in Russia and Central Asia from the 18th to the Early 20th Centuries. Vol. 2: Inter-Regional and Inter-Ethnic Relations / Ed. by Anke von Kügelgen, M. Kemper, A. J. Frank. – Berlin, Klaus Schwarz Verlag, 1998. – P. 120-177

<sup>9</sup> Қаранг: Абул Ҳасан Али ал-Ҳасаний ан-Надавий. Ал-Имам ас-Сирҳиндий ҳаятуху ва аъмалуху. – Кувайт: Дорул қалам, 1993. – Б. 10.

маънавий-маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Нақшбандия-муҷаддиция тариқати муайян бир минтақага боғланиб қолмай, бутун мусулмон дунёси, хусусан, Ҳиндистон, Афғонистон, Қашқар, Кашмир ҳамда Мовароуннахрнинг Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқон, Шаҳрисабз, Наманган каби йирик марказларида кенг тарқалган.

Илмий ишда муҷаддициянинг кўплаб шайхлари Марказий Осиёда аввалдан мавжуд бўлган нақшбандия тариқати шохобчалари билан бирга, маҳаллий таълим марказларига асос солганлиги очиб берилган. Нақшбандия-муҷаддиция тариқатининг илк даврида минтақада ўзига хос илмий-тасаввуфий муҳит яратилгани бевосита мазкур тариқатнинг кейинги ривожланиш босқичларини белгилаб бергани тадқиқ қилинган.

“Аҳмад Сирҳиндийнинг тариқат ривожигадаги ўрни” номли учинчи параграфда Аҳмад Сирҳиндий тариқатдаги фаолияти давомида кўплаб муридларни тарбиялаб камолга етказгани ва тариқатга доир бир қанча мукамал асарлар ёзиб қолдиргани ёритиб берилган.

Аҳмад Сирҳиндийнинг тариқатдаги фаолияти XVII асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Бу даврда Ҳиндистон бобурий Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ (1551-1605) ва Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ (1605-1627) ҳукмронлиги остида эди. Аҳмад Сирҳиндий билан мазкур ҳукмдорлар ўртасидаги муносабат гоҳ кескинлашиб, гоҳо яқинлашиб турарди<sup>10</sup>. Тадқиқотда Аҳмад Сирҳиндий Акбаршоҳнинг динларни қориштириш сиёсати (диний синкретизм)га қарши бўлгани ёритиб берилган.

Аҳмад Сирҳиндий асарлари орқали ўз ғоялари ва таълимини баён этган. Аллома машҳур давлат ва сиёсат арбоблари, буюк олимлар ва мутасаввифлар билан яқин алоқада бўлиб, уларга Ҳиндистондан мактублар ёзиб турган ва турли мавзулардаги мураккаб масалалар, янги топилган фалсафий, тасаввуфий, ақидавий муаммоларни ечиб беришга интилган. Мазкур ёзишмаларда нақшбандия тариқати шаклланган Мовароуннахр уламоларига йўлланган мактублар алоҳида ўрин тутди. Тадқиқотда мазкур мактублар кейинчалик унинг шогирдлари томонидан тўпланиб, “Мактубот” номи билан мустақил асар сифатида танилгани баён этилган.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик қўлёзмалар институтида унинг “ал-Мабадаъ ва-л-маод” (Бошланиш ва қайтиш), “ал-Маорифу-л-ладунийя” (Ладуний маърифатлар), “Мукашафату-л-Ғойбийя” (Ғайбий дунё намоён бўлиши), “ал-Мактубот” (Мактублар) каби асарлари сақланмоқда. Аҳмад Сирҳиндийнинг илмий мероси асрлар давомида маънавият манбаи ва суфийлар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби “Аҳмад Сирҳиндий “Мактубот” асарининг манбашунослик таҳлили” деб номланган бўлиб, унинг “Мактубот” асари қўлёзма нусхаларининг кодикологик тадқиқи” номли биринчи параграфида асарнинг бугунги кунга қадар етиб келган қўлёзма нусхалари таҳлил этилган.

---

<sup>10</sup> Юлдашходжаев Х. Мусохон Даҳбидийнинг нақшбандийа-муҷаддидийа тариқати ривожига тутган ўрни (XVIII аср): Тар. фан. ном. ... дис. автореф. –Т.: ЎЗР ФА ШИ, 2008. – Б. 13.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёмалар бўлимининг асосий фондида “Мактубот”нинг қирқ саккизта кўлёмма нусхаси борлиги аниқланди ва уларнинг манбашунослик таҳлили амалга оширилди. Ўзбекистонда асар кўлёмма нусхаларининг бу қадар кўп экани, унинг юртимиз уламолари томонидан кенг истифода этилганидан дарак беради. Шунингдек, кўлёммаларнинг, асосан, XVIII-XIX асрга доирлиги асар нафақат ўз даврида, балки кейинги асрларда ҳам муҳим манба сифатида хизмат қилганидан далолат беради.

“Мактубот”нинг кўплаб кўлёмма нусхалари жаҳоннинг машҳур кутубхона ва фондларида сақланади. Тадқиқотда асарнинг Туркиянинг “Миллет Генел” кутубхонасида №1745, Покистоннинг “Ганжи Бахш” кутубхонасида №15544, Техрон шаҳридаги “Мажлис шуруйи миллий” кутубхонасида №78047 рақами остида сақланаётган кўлёмма нусхалари ўрганилди.

Аксарият кўлёммаларда “Мактубот”нинг тўлиқ учта жилди сақланиб қолган. Айрим нусхаларда асарнинг маълум бир қисмигина сақланиб қолган ҳолатлар ҳам учрайди. Асар мактубларининг номлари алоҳида қизил ранг билан ажратиб кўрсатилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёммалар бўлимининг асосий фондида асарнинг №5209, №5210, №5774, №10123, №11231 инвентарь рақамлари остида 5 та тошбосма нусхаси сақланади.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи “*Асарнинг умумий мазмуни ва таркибий тавсифи*” деб номланган. Алломанинг “Мактубот” асари форс тилида ёзилган бўлиб, мазмун жиҳатдан кенг қамровли асар ҳисобланади. Мактублар сони 535 тани ташкил этиб, аҳамияти туфайли турли даврларда араб, турк, урду, инглиз, туркий тилларга таржима қилинган. Асарда мактублар ҳажми турлича, баъзилари бир неча сатр бўлса, айримлари мазмун-моҳияти ва муҳимлигидан келиб чиқиб, бир неча ўн варақдан ортган. Асар ақида, шариат, тасаввуф, тариқат, ахлоқ ва ижтимоий муносабатлар масалаларини ўз ичига олган.

Тадқиқот давомида Аҳмад Сирҳиндийнинг “Мактубот” асари қуйидаги тўрт йўналиш бўйича таҳлил қилинди:

- ақидавий-фикҳий масалалар бўйича юборилган мактублар – 31%;
- тасаввуфий қарашлар бўйича ёзилган мактублар – 40%;
- нақшбандия тариқатининг мадҳи бўйича ёзилган мактублар – 4%;
- маънавий-ахлоқий масалалар бўйича юборилган мактублар – 25%.

Лекин бу тақсимот унинг мактублари йўналишларини тўлиқ акс эттирмайди. Чунки одатда, алломанинг мактубларида ушбу йўналишлар қоришиб кетган ҳолатлар кўп учрайди. Баъзан унинг бир мактубида бир нечта йўналиш, ҳаттоки, мазкур тўрт йўналишнинг барчаси қамраб олинган. Мазкур таҳлил ҳар бир мактубнинг асосий мазмунидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган.

Аҳмад Сирҳиндийнинг мактублари унинг шогирдлари тарафидан китоб ҳолига келтирилган. Жумладан, “Мактубот”нинг биринчи жилди 1616 йилда олимнинг асҳобларидан бири – Ёрмуҳаммад Жаид Бадахший ат-Талоқоний томонидан жамланган<sup>11</sup>. “Мактубот”нинг иккинчи жилдига эса халифа Мавлоно Абдулҳай Ҳисорий тарафидан 1619 йилда тартиб берилган. Учинчи жилди – халифалардан яна бири – Хожа Муҳаммад Ҳошим Кишмий Бурҳанпурий томонидан 1622 йилда тўпланган<sup>12</sup>.

Биринчи жилд 313 та мактубдан иборат бўлиб, бу сон Бадр жангида иштирок этган саҳобийлар сонига ишора қилади. Иккинчи жилд Аллоҳнинг 99 та исмига ишора сифатида 99 мактубдан иборат. Учинчи жилд “Маърифатул ҳақиқ” (Ҳақиқатларни билиш) номи билан ҳам юритилади. Унда 123 та мактуб бор.

“Мактубот”нинг биринчи жилди 1838 йилда манғитлар сулоласидан Насруллоҳон ҳукмронлиги даври (1826-1860)да Саййид Нафас ибн Муҳаммад Ўроз томонидан туркий тилга таржима қилинган. Мазкур шайх Амударё соҳилидаги Башир мавзесида Эрсари туркманлари билан қўшничиликда яшаган. Бу таржима тилида ҳам сезилиб туради. Таржимоннинг таъкидлашича, тариқатга қизиққан туркий қавм вакиллари ундан Аҳмад Сирҳиндийнинг машҳур “Мактубот” асарини таржима қилиб беришни илтимос қилганлар. Лекин таржимон “Мактубот”нинг биринчи жилдидан фақатгина 202 та мактубни таржима қилган. Саййид Нафас ибн Муҳаммад Ўрознинг бу таржима нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар бўлимининг асосий фондида №8368 рақами билан қайд этилган.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи “*Аҳмад Сирҳиндийнинг Марказий Осиёлик тасаввуф шайхларига йўлаган мактублари хусусиятлари*” деб номланган. Аҳмад Сирҳиндийнинг Марказий Осиё ҳудудларига юборган мактубларида нафақат тасаввуфнинг ўрни ва аҳамияти, балки мусулмон киши кундалик амалга оширадиган амалиёти, тариқат талаблари, ахлоқий меъёрлар, турли бидъат ва хурофотлардан узоқ бўлиш лозимлиги каби қарашлар ҳам баён этилган.

Тадқиқотда Аҳмад Сирҳиндий Марказий Осиёнинг Бадахшон, Балх, Бухоро, Имкана, Хоразм, Хўтан, Кобул, Кўлоб, Самарқанд каби ҳудудларига жами 149 та мактуб йўлагани аниқланди. Мазкур ҳудудларга юборилган мактубларнинг 144 таси жамият орасида сиёсий, илмий, маънавий ва ижтимоий жиҳатдан таъсир кучи ва нуфузга эга бўлган мир, шайх, хожа, ҳожи, саййид, саййид нақиб шайх, мулла, хожа муфтий унвони берилган муайян шахсларга ёзилган.

Тадқиқот натижасида Аҳмад Сирҳиндий Марказий Осиёнинг Бадахшон, Кобул, Бухоро, Кўлоб каби шаҳарларига бошқа ҳудудларга нисбатан кўпроқ мактублар юборгани маълум бўлди. Бухорога юборилган мактубларда

<sup>11</sup> Шайх Аҳмад Сирҳиндийнинг Ёрмуҳаммад Қадим Бадахший номли муриди ҳам бўлган. Уларни адаштирмаслик лозим.

<sup>12</sup> Kışmi, Muhammed Haşimi, Berakat Zübdetü'l-Makamat, cev.: A. Faruk Meyan. Istanbul , 1976. – S. 229.



шариат, тариқат, ислом аҳлининг кучли бўлиши, илмни эгаллаш, нафс, бидъат-хурофот, саодатга эришиш йўллари каби масалалар баён этилган бўлса, Самарқандга юборилган мактубларда тасаввуф одоблари, муҳаббат, шариатга эргашиш, зикр аҳамиятига эътибор қаратилган.

Марказий Осиёга юборилган мактублар таҳлилидан кўриниб турибдики, бу даврда минтақада бидъат ва хурофотлар, шариат аҳкомларини бузиб талқин қилиш ҳолатлари авж олган. Шундай вазиятда Аҳмад Сирҳиндий мактублари ислом ақидаларини тўғри таҳлил қилишга, шариат ва тариқатга доир масалаларга холис ечим беришга хизмат қилган.

Диссертациянинг **“Нақшбандия-мужаддия тариқатида “Мактубот” асарининг роли”** деб номланган учинчи бобида “Мактубот” асарининг нақшбандия-мужаддия тариқати шаклланишидаги ўрни ва ҳозирги кундаги аҳамияти очиб берилган.

Учинчи бобнинг *““Мактубот” асарининг нақшбандия-мужаддия тариқати назарий асослари шаклланишидаги ўрни”* деб номланган биринчи параграфида “Мактубот” асари нақшбандия-мужаддия тариқатининг юзага келишида дастуруламал бўлиб хизмат қилгани баён этилган. Асар нақшбандия-мужаддия тариқатининг назарий пойдеворини ўзида мужассам этган. Тасаввуф таълимотидаги ваҳдату-л-вужуд ва бошқа мунозарали масалалар теран бир шаклда изоҳлангани ёритиб берилган.

Муҳйиддин ибн Арабий (1152-1230) томонидан тизимга солинган ваҳдату-л-вужуд фалсафасини тизимли равишда танқид қилган Аҳмад Сирҳиндий бу назарияга қарши Алоуддавла Симноний (ваф. 1336 й.) қарашларини тартибга солиб, ваҳдату-ш-шуҳуд таълимотини ўртага ташлаган. Нақшбандия тариқатининг назарий асосларини яратишда муҳим ўрин тутган Хожа Муҳаммад Порсо (ваф. 1420 й.) ҳам Ибн Арабийнинг ваҳдату-л-вужуд таълимоти билан яқиндан таниш бўлгани учун баъзи асарларида унинг таъсири сезилади<sup>13</sup>. Ваҳдату-ш-шуҳуд таълимоти нақшбандиянинг кейинги ривожланиш босқичида ўзига хос ўрин тутган. Аҳмад Сирҳиндийдан кейин нақшбандияда ваҳдату-ш-шуҳуд таълимоти таъсири устувор бўла бошлаган. Ваҳоланки, Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан Аҳмад Сирҳиндийгача бўлган даврда нақшбандия таълимотининг намояндалари орасида ваҳдату-л-вужуд ғояси илгари сурилган эди<sup>14</sup>. Тадқиқотда Аҳмад Сирҳиндий ёзган бир қанча мактублари унинг ваҳдату-ш-шуҳуд назарияси тарғиботига қаратилгани асосланган.

